



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 ноябрь кuni Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга келган Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган мунтазам ва изчил сиёсий мулоқот икки томонлама муносабатларда муҳим ўрин тутуши, очиқ ва дўстона фикр алмашиш, турли йўналишлардаги, жумладан, халқаро миқёсда ва минтақа доирасидаги ўзаро ҳамкорликка оид асосий масалаларни муҳокама этиш имконини бераётганини таъкидлади.

Сухбат чоғида Ўзбекистон ва Россия бир-бири учун ҳар доим очқилиги, қарор топган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари юксак қадрланиши қайд этилди.

Шу йилнинг апрель ойида Москвада ўтган олий даражадаги Ўзбекистон-Россия учрашувининг салмоқли натижалари ва унинг асосида имзоланган икки томонлама қатор ҳужжатлар хавфсизлик, иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳаларида давлатлараро муносабатларни

фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Сухбат чоғида жаҳон молиявий инқирози давом этаётганига қарамай, томонлар ўзаро савдо-сотиқнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолишга эришгани ва 2012 йилда унинг ҳажми 12 фоиздан кўпроқ ошиб, 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзаро товар айирбошлаш таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Россия ҳукумати Раиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Россия раҳбарияти ўзаро ишонч, давлатларимиз ва халқларимиз олдидан турган узоқ муддатли мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон билан серқирра ҳамкорликни давом эттириш ва мустаҳкамлаш борасида бундан буён ҳам ҳамжихатликда иш олиб бориш тарафдори эканини таъкидлади.

ЎЗА

ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳрида 29 ноябрь кuni Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Серик Ахметов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Жонтура Сотиболдиев, Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзоданинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Музокарада ШҲТ Бош қотиби Дмитрий Мезенцев ва ШҲТ Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн ҳам иштирок этди.

Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШҲТ фаолияти изчил ривожланиб бораётгани, аъзо давлатлар ўртасида 2007 йилда имзоланган Узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ШҲТ қисқа муддатда жадал ривожланиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди. Унинг халқаро майдондаги мавқеи йил сайин ортиб, ташкилотга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ШҲТнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий, фан-техника, таълим, маданият, энергетика, транспорт, экология каби соҳаларда

самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборат.


Ўтган йиллар мобайнида ШҲТ ҳудудида замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ШҲТга аъзо давлатлар ва, умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, ижтимоий-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши иштирокчилари ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг сўнгги мажлисида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар — аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий, гуманитар ҳамда транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга доир кенг қўламдаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда 2012-2016 йилларда ШҲТ доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тадбирлари режасининг ижросини кўриб чиқдилар. Таъкидлаш жоизки, ташқи иқтисодий ва ташқи савдо мақамалари раҳбарларининг жорий йил 23 октябрь кuni Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида мазкур дастур ва тадбирлар режасини бажариш бўйича келишиб олинган эди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Санжар ШОҲИДАНОВ оlingan суратлар.

Демократик модернизация жараёнида тарғибот ишларини кучайтириш — долзарб масала

ЎзХДП Сайловолди дастури ижроси

Ёшлар бандлигини таъминлаш

депутатлик гуруҳлари фаолиятининг устувор йўналиши

Касб-хунар коллежларини тамомлаётган ҳар бир ёш ўз мутахассислиги бўйича ишлашни, шу орқали оиласи фаровонлигига ҳисса қўишни истайди. Жамиятда ўз ўрнини топишга интилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ҳаракат дастурида уларнинг шу интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган. Айни пайтда партия кен-

гашлари ва депутатлик гуруҳлари бу борада изчил иш олиб бораёпти.

Жорий йилда халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутат-

лик гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига битирувчилар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ қатор масалалар киритилди. Бу орқали нафақат уларнинг бандлигини таъминлаш, балки турмуш даражасини юксалтириш бўйича амалий натижаларга эришилди.

2

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 29 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцяннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик қўлами барча соҳаларда кенгайиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг

2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқиб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий

ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, икки мамлакат вазирилик ва идоралари ўртасида маданий-гуманитар, ахборот алмашинуви, шаҳарлараро алоқалар, кичик бизнес, темир йўл қурилиши соҳаларида оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

ЎЗА

Зоҳид АБДУЛЛАЕВ:

ДУНЁ

мамлакатларидан келган



168 нафар ёш орасида 9-ўринда Сеул давлат университетида ўқишга қабул қилинган

4

Янгиланаётган

ЯККАБОҒ

Бугун ушбу ҳудудда ҳар бир соҳада янгила-ниш, тараққиёт нафаси кезмоқда. Бунёдкор-лик, ободлик халқнинг тинч ва фаровон ҳаётига ўзгача фойда бағишламоқда.

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Давлат бюджети ижросида

ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган дастурлар ўз вақтида ва самарали молиялаштирилишидан аввало Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаат кўрмоқда



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

аъзоларининг 31 фоизи, яъни қарийб 116 минг нафари ёшлардир. 2006 йилдан буён партия тизимида «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг асосий вазифаларидан бири ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, партия сафида билимли, ташаббускор йигит-қизлар сафини кенгайтиришдан иборат.



O'ZBEKISTON OVOZI

— хилма-хил фикрлар минбари,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Келгуси сонларда:

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан етакчи аёллар тажрибасини оширишга бағишланган семи-нар-тренинг ўтказилди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

ШХТ ҳукумат
раҳбарлари
КЕНГАШИННИНГ МАЖЛИСИ

Кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва ШХТ Банклари бирлашмаси кенгаши раислари, кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислом Республикаси иккинчи вице-президенти М.Халилий, Хиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С.Сингх, Эрон Ислом Республикаси саноат, конлар ва савдо вазири М.Неъматзода, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари Д.Тэрбишдагва, Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг миллий хавфсизлик ва ташқи ишлар бўйича маслаҳатчиси С.Азиз, шуниингдек, ҳамкор халқаро ташкилотлар вакиллари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари — БМТ ЭСКАТО ижрочи котиби Н.Хейзер, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби С.Лебедев, АСЕАН Бош котиби ўринбосари Н.Линь катнашди.

Мажлис иштирокчилари ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклари бирлашмаси фаолиятига оид ахборотларни тинглаб, уларнинг фаолиятини ижобий баҳоладилар. Ушбу тузилмаларга Ташкилот раҳбарлари ШХТ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасида, хусусан, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлиқни таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат инфратузилмаларини модернизациялаш, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ШХТга аъзо давлатларнинг ишбилармон доиралари ва молиявий тузилмалари ўртасида бевосита алоқаларни ўрнатиб орқали амалий кўмак беришга йўналтирилган лойиҳавий фаолиятни ривожлантириш бўйича ўзаро алоқаларни фавқулодда шартли тавсия этдилар.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, бандликни таъминлаш, айниқса, ёшлар ўртасида бандликни ошириш масалаларини ҳал этиш муҳимлиги, бунда меҳнат, бандлик ва ижтимоий соҳалардаги чора-тадбирларни мувоозанатлашган иқтисодий ва молиявий сиёсат билан уйғунлиқда олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатлар жаҳон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларига эришишдан манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

ШХТга аъзо давлатлар ўз мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада ривожлантириш, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва юқорида қайд этилган масалаларни ҳал этиш бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали ушбу мақсадларга эришишга ўз ҳиссасини қўшаётди.

Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатлар ишбилармон доираларининг юқори технология ва инновацион қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, иқтисодиётнинг инфратузилма, машинасозлик, ёнгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги, туризм каби муҳим тармоқларида лойиҳаларни амалга ошириш, кўргазма-ярмарка фаолияти ва мултимедия транспорт-логистика комплексларини ривожлантиришга қаратилган амалий ташаббусларни маълумладди.

Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо барча давлатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, минтақавий савдо-иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини чуқурлаштириш, жаҳон иқтисодиётида минтақанинг аҳамиятини оширишга қаратилган мулоқотни кучайтириш ва молия-банк ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Шу нуктаи назардан, Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ушбу мажлисида ШХТ Тараққиёт банки ва ШХТ Тараққиёт жамғармасини ташкил этиш борасидаги ишларни давом эт-

тириш юзасидан қабул қилинган қарор муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисида транспорт ва халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор аҳамият касб этиши тасдиқланди. ШХТга аъзо давлатларнинг транспорт соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинди. Бу минтақадаги мавжуд транзит имкониятларидан самарали фойдаланиш, транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, юк ташини ҳажмини кўпайтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳисобидан ШХТ маконида товарлар айланиши ва инвестиция фаоллигини ошириш имконини беради.

Ҳаво, автомобиль ва темир йўл қатнови, қурилиш ва мултимедия транспорт-логистика комплексларидан самарали фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан мажлисида ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобиль ташинишлар учун қўлай шарт-шароит тўғрисидаги битимни тезроқ имзолаш зарурлиги ва бу автомобилда юк ташини соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ишончли ҳуқуқий асоси бўлиши қайд этилди.

ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасидаги қишлоқ ҳўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликка оид битимларни амалга ошириш бўйича кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Шу жиҳатдан Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мазкур мажлиси доирасида имзоланган ШХТга аъзо давлатлар ҳудудида юқумли касалликлар натижасида вужудга келадиган эпидемиологик вазият ҳақида ахборот алмашиш дастури муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият, таълим, спорт, туризм, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатларнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этиш мақсадида минтақанинг сайёҳлик салоҳиятидан янада тўла-роқ фойдаланишга оид алоқаларни ривожлантириш бўйича ишларни давом эттиришга келишиб олинди. Бу ШХТ ҳудудида истиқомат қилаётган халқлар ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга, уларнинг манфаатлари йўлида маданиятлараро мулоқотни фавқулодда шартли қилади.

Мажлисида ШХТ Котибиятининг Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастурини амалга ошириш жараёнига доир ҳисоботи маълумланди, унинг 2014 йилги бюджетни тасдиқланди. ШХТнинг доимий фаолият юрт-тутуви органларининг молиявий ва ташкилий фаолиятига оид қатор масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси якунлари бўйича Қўшма коммюнике имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда махлис самарали бўлгани, имзоланган ҳужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2014 йилда Қозғистон Республикасида ўтказилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА махсус мухбири.

ЎЗХДП ҳаёти

Ёшлар бандлигини таъминлаш

депутатлик гуруҳлари фаолиятининг устувор йўналиши



ЎЗХДП Сайловолди дастури ижроси

Биргина мисол. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг жорий йил февраль ойида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида ЎЗХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласи муҳофаза қилинган эди. Унда битирувчиларни доимий иш билан таъминлашдаги мавжуд камчиликлар таҳлил этилиб, бу борада мутасадди ташкилотлар масъулиятини ошириш, турли соҳаларда янги иш ўринлари яратиш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

— Партияимиз Сайловолди дастурида аҳолини, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш борасида давлат ташкилотлари, ижро ҳокимияти идоралари ҳамда корхона-ташкилотлар масъулиятини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланган, — дейди **ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиiddин Аъзамов**. — Шундан келиб чиқиб, янги иш ўрин-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

лари ташкил этиш ва битирувчилар бандлигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ЎЗХДП фаоллари, депутатлик гуруҳлари қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Сессия қарори ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган изчил чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида вилоят бўйича режада белгиланганидан қарийб мингта кўп иш ўрни ташкил этилди. Корхона ва муассасалар масъул ходимлари коллежларга бириктирилди. Битирувчиларни иш билан таъминлашга алоқадор бўлган барча идоралар вакиллари ўрта махсус таълим муассасаларида ёшлар билан учрашувлар ўтказишди. Ишга жойлаштириш борасида уларни йўлантираётган масалалар ўрганилди. Камчиликлар таҳлил қилиниб, бартараф этиш чоралари кўрилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида кўплаб меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Хусусан, ЎЗХДП Тошкент вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, ҳокимликлар, прокуратура ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳамкорлигида бўш иш ўринлари

ярмаркалари ўтказилди. Шунинг натижасида биргина Бекобод туманида 215 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлашди.

Партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан, айниқса, Паркент, Пскент ва Ўрта Чирчиқ туманларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобида аҳоли, жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича маълум натижаларга эришилапти.

Жорий йилда вилоятдаги мавжуд касб-ҳунар коллежларини 38257 нафар ўқувчи битирган бўлса, ноябрь ойи ҳолатига кўра уларнинг 24300 нафардан ортиғи иш билан таъминланди.

— Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг май ойида бўлиб ўтган сессиясида ҳам айнан битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи чуқур муҳофаза этилган эди, — дейди **ЎЗХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Дониёр Азизхўжаев**. — Масалани муҳофаза қилиш бўйича биз битирувчиларни иш билан таъминлашга тўсқ бўлаётган хато-камчиликларни ўрганиб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрладик.

Чирчиқ шаҳрида 8 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицей фаолият юритмоқда.

Уларда 9800 нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олади. Биламизки, битирувчиларни иш билан таъминлашда уч томонлама шартномаларнинг аҳамияти катта. Шаҳардаги 1300 дан ортиқ корхона ва ташкилот битирувчилар билан уч томонлама шартнома тузган.

Аммо шунга айтиш керакки, баъзи корхона, ташкилотлар томонидан мазкур шартномаларни бекор қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Сессияда биз айнан шу масалаларга шаҳар жамоатчилигининг эътиборини қаратдик. Ўз вақтида кўрилган чоралар натижасини берди. Жорий йил шаҳарда коллежларни 2952 нафар йигит-қиз битирган бўлса, ноябрь ойи ҳолатига кўра 2310 нафарининг бандлиги таъминланди. Қолганларини ҳам иш билан таъминлаш жараёни давом этаяпти.


Шунингдек, **касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш** масаласи халқ депутатлари Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз туман ҳамда Ангрен шаҳар Кенгашларининг сессияларида ҳам ЎЗХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси асосида кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ижросини изчил таъминлаш депутатлик гуруҳларимизнинг доимий назоратида.

Гулрўх ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ДЕМОКРАТИК модернизация
жараёнида

тарғибот ишларини кучайтириш — долзарб масала

ЎЗХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Мамлакатимизда фуқаролар ва миллатлараро тоғувлик, ижтимоий барқарорлик, ижтимоий бирдамлик каби умуммиллий манфаатларни таъминлашда фаол иштирок этишни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадлари сифатида белгилаб олган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган навбатдаги сиёсий

семинарда мазкур вазифаларни самарали ижро этиш, бу борада тарғибот ишларини кучайтириш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Тадбирда иштирок этган партия Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходимлари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, сиёсатшунос олимлар, тарғиботчилар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Партияимиз дастурий

мақсад вазифаларини амалга оширишда тарғибот-ташвиқот муҳим аҳамиятга эга, — деди **ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**.

— Шу боис Ўзбекистон ХДП аҳоли, айниқса, ўз электорати орасида сиёсий ва маърифий тадбирларни мунтазам ташкил этиб келаяпти. Уларда мамлакатимизда бўлаётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунириш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилапти. Бу борада Тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Шу боис тарғиботчилар гуруҳларига таърибали партия фаоллари, сиёсатчилар, депутатлар, халқ орасида обрў-

этиборга эга кишиларни кўпроқ жалб қилишга аҳамият берилмоқда.

— Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклайди, — деди **сиёсатшунослик фанлари номзоди, доцент Хайрулла Умаров**. — Бу жараёнда Ўзбекистон ХДПнинг самарали иштирокчини таъминлаш, шу билан бирга, партия Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мафкуравий тарғибот ишларини кучайтириш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

— Ёшларни ёт гоғлар хуружидан асраш бугун ҳар бир партия фаоли зиммасида турган долзарб вазифалардан бири, деб ўйлайман, — деди **ЎЗХДП Сергели туман кенгаши раиси ўринбосари Салоҳиддин Аҳмадалиев**. — Бугунги глобаллашув жараёни, инсон онги учун қураш кескин тус олган бир пайтда партияимиз ташкилотлари бу масалага чуқур эътибор қаратмоқда. Ёшларни мафкуравий хуружлардан асраш учун, аввало, уларда соғлом эътиқодни шакллантириш, Ватанга садоқат, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, умуминсоний кадрларни эътироф этиш борасида ўтказилаётган тадбирлар-

нинг аҳамияти катта бўлаяпти.

— Ўзбекистон ХДП дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга, бугунги кунимизга боғлаб тарғиб қилиш ўзининг самарасини бераяпти, — деди **ЎЗХДП фаоли, тарғиботчилар гуруҳи аъзоси Наргиза Халилова**. — Ҳар кимни, аввало, ўз ҳаёти билан боғлиқ ёки унга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фикр, воқеа, факт ва рақам қизиқтиради. Шунинг учун ҳам партия аъзолари, электорат вакиллари орасига кирганимизда Президентимиз фармон ва қарорлари, давлат дастурлари, янги қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини айнан уларнинг ҳаёти билан боғлаб тушунириб беришга ҳаракат қилаёلمиз.

Семинарда интерактив усуллардан самарали фойдаланиш, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, электорат орасида сиёсий ва маърифий ишларни тизимли олиб бориш, ўқувларни ҳар томонлама такомиллаштириш масалаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар сўнггида Тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, сиёсий ўқувларни мавзу жиҳатдан такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши
Матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Янгиладанаётган Яккабоғ



Яккабоғ Қашқадарё вилоятининг жадал ривожланаётган туманларидан бири. Бугун ушбу ҳудудда ҳар бир соҳада янгилашни, тараққиёт нафаси кезмокда. Бунёдкорлик, ободлик халқнинг тинч ва фаровон ҳаётига ўзгача файз бағишламокда.

Дехқон ва фермерларнинг фидокорона меҳнати туфайли пахта ва ғалладан юқори ҳосил кўтарилди. Туманда намунавий лойиҳалар асосида уйлар қурилиши жадал олиб борилаётган. Ҳозиргача 204 та ана шундай уй бунёд этилган бўлса, келгуси йил яна 80 дан ортиқ уй қурилиши режалаштирилган.

ЎзДХП Яккабоғ туман кенгаши раиси Неймат Жумаевни туманда ҳамма танийди. Ўзоқ йиллар раҳбар бўлган, кўп яхши ишлар, тўй-матраканинг бошида турган, ернинг тилини, дехқоннинг дилини биладиганлардан. Бироз ўзар, қатъиятчи. Шу туфайли, аввал далага бошлаганида, раёнини қайтаролмайдим.

Чап ёқасида тиракзорлар бўйи бўлган йўлнинг ўнг томони кафтдек текис майдонлар. Дала бошида трактор, ўғит юклайдиган тиркамалар, одамлар... Ўзоқдан Сандал қиш-

логининг уйлари элас-элас кўзга ташланади. Ўша кунги Яккабоғлик қишлоқ ва сув ҳўжалиги, агрокимё хизмати кўрсатиш соҳалари мутахассислари, фермерлар кузги ғаллани қандай экишни амалда синаб қуришаётган экан.



(Ў.А.) олган суратлар.

ошди. Пахта ҳосилдорлиги эса 40 центнерни ташкил қилди. 6 та техникамиз бор. Бир нечтасини лизингга олганмиз. Бундай шароит қаерда бор? Ўртобошимизга раҳмат! У кишининг халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида айтган ушбу гапларини доимо ёдимда сақлайман.

Бу дунёда ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак. Агар ҳар қайси инсон — у фермер бўлади-ми, тадбиркор бўлади-ми — ўзининг ҳалол меҳнати билан даромад топаётган, бойлик орттираётган бўлса, қандини урсин...

Бундан ортиқ қандай рағбат керак, ахир!

— Мана шундай меҳри дарё одамлар яшайди Яккабоғда, — дейди Неймат Жумаев. — Астойдил меҳнат қилгач, янги уй қурсин, тўй қилсин! Қишлоқларни обод қилишга ҳиссасини қўсин.

Энди, қоринг, ана шу одамлар орзу қилган, қурдираётган янги қишлоқ уйлари кўрамиз. Кўп юрмадик, Сандал ҚФЙ ҳудудига етиб келдик. Бу ерда 20 та янги уй эгаларига топширилибди. Яна шунчасини қурилиши ниятисига етиб қолган экан. Шундан 10 та уй қурилиши «Яккабоғгирмонтаж» МЧЖ олиб борапти. Иш бошқарувчи Турди Махматқулов ўттиз беш ёшда, Тошкент архитектура ва қурилиш институтини битирган.

— Яккабоғқа келгунимча, тажрибали қурувчилардан иш ўргандим, — дейди Турди Махматқулов. — Чунки бугун талаб юқори, қурилишга муносабат бошқача. Одамларнинг диди баланд. Келинг, намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлари олайлик. Лойиҳалар мукаммал ишланган. Албатта, кўп бора синовдан ўтган, танланган. Кейин-

ги пайтда бир қаватли 3-4 хонали уйларга талаб кўпайиб борапти. Демак, Ўртобошимиз айтганларидек, бир неча авлод истиқомат қила оладиган, мустаҳкам, кўркам уйлари тиклашимиз лозим. Қуриб битказилган ана шу 10 та уйдан бирор киши норози бўлган эмас.

— Уй қурилишдан кўнглим тўлди, — дейди Жуманазар Шералиев. — Сифатли ғиштдан фойдаланилди. 4 хона уйнинг иккитаси болалар хонаси. Ётоқхона, меҳмонхона, ошхона, ювиниш хонаси алоҳида. Ичимлик суви, электр, газ тортилган. Одам муносиб яшаши учун ҳамма шароит бор.

Туман ҳокимлиги қурилиш ишлари бўйича бош мутахассиси Дамин Рўзиевнинг айтишича, бу йил қурилатган 54 та уй бирин-кетин эгаларига топширилмоқда.

Битган 14 та уй яқриаб турибди. Уларни «Жавохир Нуртранс» ихтисослашган қурилиш ташкилоти барпо этибди. Шу жойда Ақтам Бобомуродов билан танишдик.

— Давлатимиз имтиёзли кредит маблағи ажратаётгани қўлчиликка қўл келмоқда, — дейди у. — Дунё тажрибасини қўзғатганимизда ҳам бундай кам фоизли кредит йўқ. Бизда эса исталган киши ана шундай имтиёздан фойдаланиши мумкин.

— Ҳозир маҳалламизда 628 хонадонда 3000 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилаёпти, — дейди «Оқтош» МФЙ фаоли Жуманазар Кенжаев. — Келгуси йилги қишлоғимизда яна 20 та намунавий лойиҳа асосида уй қурилиши режалаштирилган.

Ҳа, Яккабоғ туманида бунёдкорлик ишлари авжида. Замонавий пахта тозалаш корхоналари, ғишт zavдолари, маийший хизмат кўрсатиш шохбачалари, мактаб, коллеж, тиббиёт масканлари қўрган кўзни қувонтиради.

Ободлик, бунёдкорлик, эртанги кунга бўлган ишонч Яккабоғни яшнатмокда.

Юнус ЎЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Табиий офат зарари

ҳисоб-китоб қилинди

Филиппиннинг Фавқуллода вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича миллий мувофиқлаштирувчи қўмитаси 6-7 ноябрь кунлари мамлакатнинг марказий қисмидан ўтган «Хайян» тропик тўфони келтирган зарарни тўлиқ ҳисоб-китоб қилди.

Маълумотларга қараганда, табиий офатдан қўрбон бўлганларнинг умумий сони 5,5 минг, турли даражада тан жароҳати олганлар эса 26 минг, бедарак йўқолганлар 1,7 минг кишини ташкил қилмоқда. Умуман, 10 минг аҳоли пунктида яшовчи 10 миллиондан ортиқ киши табиий офатдан жабр кўрди. Иқтисодий зарар 10 миллиард доллардан ортиб кетди.

Айни пайтда 1,5 миллион

филиппинлик уй-жойсиз қолган. Негаки, жабранганлар учун ташкил этилган лагерлар одамлар билан бўлиб-тошиб кетган. Улар яқсон бўлган уйлар қолдиқларидан ўзларига вақтинча турар-жой ясашга киришган. Озқ-овқат етишмаяпти. Инсонпарварлик ёрдамлари тарқатилаётган пайтда тўс-тўполонлар юз бериб, одамлар оёқлари остида қолиш натижасида ўлганлар қайд этилмоқда.

Эслатиб ўтамоғимиз: Филиппин архипелаги июндан декабрда бўлган ёмғирлар мавсумида ўнлаб тўфонларга дуч келади. «Хайян» тўфони эса метеорологик кузатишлар давридаги энг кучли тўфон бўлиб тарихга кирди. Офат вақтида шамолининг тезлиги соатига 315 километрга етди. Самар ва Лейте ороллари қирқоқларида денгиз тўқчилари 6 метргача кўтарилди.

Ишсизлик

эркакларни тез қаритади

Лондоннинг Қироллик коллежи мутахассиси Жессика Бакстон етакчилигидаги олимлар гуруҳи ўзоқ йиллик кузатув-тадқиқот ишларидан сўнг шундай хулосага келдиларки, эркакларнинг 2 йилдан ортиқ ишсиз юриши, яъни ўзига мос иш тополмаслик ҳолати уларни тез қаришга олиб келади.

Олимлар ДНК молекуласидаги ҳужайраларнинг меъёрида бўлинишни таъминлайдиган хромосома учлари калташиб, бурилиб қолишини аниқладилар ва бунинг сабабини ҳам ўргандилар. Бунинг сабаби организмнинг қарийётанидан далолат бераркан.

Қариш жараёнининг тезлашиши эса ишсиз юрган эркакларда кузатилади. Иш билан банд бўлган эркакларда бу жараёнга тўқнаш келинмади.

Кизиги шундаки, кузатув-тадқиқотда иштирок этган кўнглили ишсиз аёллар орасида бундай жараён кузатилмаган. Яъни, уларда қариш тезлашмас экан. Ҳозирча бунинг сабаби аниқланмади. Келгуси тадқиқот ишлари айнан шу масалага қаратилишини олимлар алоҳида таъкидлашди.

Дарвоқе, «PLoS One» журналида чоп этилган тадқиқот натижаларида қайд этилишича, олимлар 1966 йилда турган ва 31 ёшда тўлиқ тиббий қўридан ўтган 5,5 мингдан ортиқ финляндиялик эркак ва аёлларнинг ДНК намуналарини кенг миқёсда ўрганиб, сўнг юқорида баён этилган хулосага келганлар.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2014 йилда реконструкция, капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи	Буюртмачи бошлангич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
	ЛОТ 19-4:			
Лот-1	Пастдарғом туманидаги 240 ўқувчи ўринли 91-сон мактабни капитал таъмирлаш	297 600 794 сўм	357 120 953 сўм	7 ой
Лот-2	Самарқанд туманидаги 650 ўқувчи ўринли 21-сон мактабни капитал таъмирлаш	583 780 841 сўм	700 537 010 сўм	7 ой
Лот-3	Самарқанд шаҳридаги 600 ўқувчи ўринли 68-сон мактабни капитал таъмирлаш	350 239 952 сўм	420 287 942 сўм	7 ой
Лот-4	Самарқанд шаҳридаги 450 ўқувчи ўринли 59-сон мактабни капитал таъмирлаш	439 052 175 сўм	526 862 610 сўм	7 ой
	ЛОТ 20-3:			
Лот-1	Қўшрабод туманидаги Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежини капитал таъмирлаш	439 014 741 сўм	526 817 689 сўм	7 ой
Лот-2	Пайариқ туманидаги Маийший хизмат касб-хунар коллежини капитал таъмирлаш	548 123 933 сўм	657 748 719 сўм	7 ой
Лот-3	Самарқанд шаҳридаги 960 ўқувчи ўринли 52-сон мактабни капитал таъмирлаш	722 413 005 сўм	866 895 606 сўм	8 ой
	ЛОТ 21-3:			
Лот-1	Нарпай тумани, Оқтош шаҳридаги Тадбиркорлик касб-хунар коллежини реконструкция қилиш (18х30м ўлчамли спортзал қурилиши)	607 242 572 сўм	728 691 086 сўм	8 ой
Лот-2	Самарқанд туманидаги Самарқанд ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежини капитал таъмирлаш	914 714 799 сўм	1 097 657 758 сўм	8 ой
Лот-3	Нуробод туманидаги 56-сон мактабни капитал таъмирлаш	692 187 246 сўм	830 624 695 сўм	8 ой

Қурилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.

Телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 19-4 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4), Лот 20-3 (Лот-2, Лот-3), Лот 21-3 (Лот-2, Лот-3) объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қўйиматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объекта ўхшаш

ган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги маълумот буйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.**

Тел. 231-13-51, факс. 233-32-00. Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг қўймати — 80 000 (саксон минг) сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносиди соат 10-00** да ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Бухоро вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2014 йил манзили қурилиш дастурига киритилган қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Т/р	Объект номи	Буюртмачининг бошланғич қўймати сўм		Қурилиш ишларини тугатиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
Лот-10	«Бухоро шаҳридаги 200 ўқувчи ўринли 5-сон болалар мусика ва санъат мактабини реконструкция қилиш»	2 550 000 000	2 125 000 000	2014 йил 1 сентябрь
Лот-11	Лот 11-1. Бухоро давлат университети қошидаги 1-сон академик лицейни реконструкция қилиш. 100 ўринли ётоқхона биноси қуриш	1 100 000 000	916 666 600	2014 йил 1 сентябрь
	Лот 11-2. Жондор туманидаги «Хумин» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 210 ўқувчи ўринли 13-сон мактабни реконструкция қилиш ва 210 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қуриш	530 000 000	441 666 600	2014 йил 1 август
Лот-12	Лот 12-1. Жондор туманидаги 240 ўқувчи ўринли 24-сон мактабни реконструкция қилиш ва 240 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қуриш	600 000 000	500 000 000	2014 йил 1 август
	Лот 12-2. Пешку туманидаги «Зандани» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 240 ўқувчи ўринли 35-сон мактабни реконструкция қилиш, 240 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки ва 9х18м ўлчамли спортзал қуриш	900 000 000	750 000 000	2014 йил 1 август
Лот-13	Жондор туманидаги М.Торобий кўчасида 150 ўқувчи ўринли 14-сон болалар мусика ва санъат мактаби қуриш (II тип)	2 730 000 000	2 275 000 000	2014 йил 1 сентябрь

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй.

Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қўйиматининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектага ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва қўнималарга

лифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг қўймати — 120 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй.**

Зоҳид АБДУЛЛАЕВ:

Дунё мамлакатларидан келган

168 нафар ёш орасида 9-ўринда Сеул давлат университетига ўқишга қабул қилиндим



Интернет-суҳбат

— 1989 йилда Фарғона шаҳрида туғилганман, — дейди Зоҳид Абдуллаев, — 6-синфгача шахримиздаги гимназияда ўқидим. Ўша пайт бизнинг мактабимизда корейс тили тўрагаги очилди. Мен унга қатнаша бошладим. Ҳафтада икки марта дарс бўларди. Ўқитувчим корейлик Сонг Ёнг Сун ўз ишини яхши кўрарди. Болаларга меҳр билан дарс

берарди. Мен муаллимимдан бир умр миннатдорман. У киши келажакда Ўзбекистон ва Корея давлатлари ўртасидаги дўстлик алоқалари ривожига ҳисса қўшишим кераклигини доим уқтирган.

Мактабни тугатганимдан сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида корейс тили ва адабиёти йўналиши бўйича

Корейликлар бизнинг тарихимизни, маданиятимизни, урф-одатларимизни, халқларимиз ўртасидаги дўстликни эъзозлашади, ўзбек халқининг меҳмондўст эканлигини айтишади.

Ўқишга кирдим. 2-курсни битираётганимда Корея давлатининг 5 йиллик грантида (1 йил тил ўрганиш курслари ва қатнашиб, 4 йил давомида университетда ўқиш) қатнашиб, 4 йил давомида университетда ўқиш қатнашиб имконияти пайдо бўлди. Ўзимизнинг университетда яхши ўқиганим қўл келди. Биз билан Корея университети профессорлари суҳбат қилишди. Орадан 2-3 ой ўтган, грант соҳиби бўлганим ҳақидаги хабарни эшитдим.

Шундай қилиб, Кореянинг Чонан шаҳрига келдим. Бу ерда бир йил давомида тилни янада чуқурроқ ўргандим. Корейс ва инглиз тилларида кириш имтиҳонлари бўлди. Мен дунё мамлакатларидан

келган 168 нафар ёш орасида 9-ўринда Сеул давлат университетида ўқишга қабул қилиндим. Сеул давлат университети Кореядаги етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Мен мазкур дарснинг бизнес бошқаруви йўналишида тахсил оляпман.

Бугунги кунда бизнес бошқаруви, иқтисодиёт, молия, статистика соҳаларини ўрганапман. Кореяда ўқув жараёни бошқача. Ҳар бир талаба дарс жадвалини ўзи тuzади. Бакалаврият босқичида ўзлаштиришингиз шарт бўлган фанлар бор. Ушбу дарслар вақтини домла билан келишган ҳолда талаба белгилайди. Менинг корейс ҳамкурсларим орасида душанбадан чоршанбагача ўқиб, пайшанбадан якшанбагача бошқа ишлар билан шуғулланидиганлари бор. Мен эса дарсларни душанбадан жумагача қўйдираман.

Сеул давлат университетида икки йил хориждан келган талабалар жамиятининг раиси бўлдим. Биз ҳар йили турли байрамлар ўтказамиз. Улар-

дан бири Халқаро овқатлар кўргазмасидир. Унда биз ҳам қатнашиб, ўзбекона ош, сомса, кабоблар қилиб, университетга ташриф буюрганлар, ўқитувчи ва талабаларни меҳмон қиламиз. Шу кўргазмадан тушган маблағнинг асосий қисми Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган oilаларга ажратилади.

— Кореяда тахсил олади-ган ўзбекистонлик талабалар билан ҳамкорликда қандай ишлар олиб бораёсиз?

— Сентябрь ойида Кореяда ўқийдиган ўзбекистонлик талабалар иштирокида «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган семинар ташкил этилди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг Мустақиллик байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригини биргаликда тинглаб томоша қилдик.

Ўзбекистон элчихонасида ўтказилган байрамларда юртдош талабалар билан учрашиб тураемиз. Конституция кунини ҳам биргаликда ни-

шонламоқчимиз.

— Корейликлар Ўзбекистон ҳақида нималарни билишади?

— Корейликлар Ўзбекистон ҳақида жуда кўп маълумотга эга. Айниқса, улар бизнинг тарихимизни, маданиятимизни, урф-одатларимизни, халқларимиз ўртасидаги дўстликни эъзозлашади. Шунингдек, ўзбек халқининг меҳмондўст эканлигини айтишади. Меваларимиз жуда ҳам ширинлигини таъкидлашади. Корейс ўртоқларим Ўзбекистондан қовун, нон ва бошқа мевалар олиб келишимни илтимос қилишади.

Мен қаерда бўлишимдан қатъий назар, юртим, юртдошларим билан фахрланаман. Хорижда ўқийдиган ёш ўқувчи орасида бўлган тенгдошларимга бир гапим бор. Чет элликлар бизга қараб Ўзбекистонга, халқимизга баҳо беришади. Мана шу масъулиятни унутишга ҳақимиз йўқ.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АбЗАМ суҳбатлашди.

Журналистикада ихтисослашув — давр талаби

Президентимиз ташаббуси билан 2005 йилда Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган Олий журналистика курслари бугунги кунга келиб ОАВ соҳасига кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўтган давр ичида мазкур курсларни тамомлаган 300 нафардан ортиқ ёшлар муайян соҳага ихтисослашган журналист сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетида «Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинарда мана шу хусусида сўз борди.

Семинарнинг очилиш маросимида ЎЗМУ ректори Гофуржон Мухамедов оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз ҳаётида тугган ўрни, журналист кадрлар тайёрлаш, олий журналистика курсларида таълим олаётган талабалар учун яратилган шарт-шароитлар ва бу борада қилганини зарур бўлган ишларга тўхталди.

Шунингдек, тадбирда Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Омонулло Юнусов сўзга чиқди.

— Мамлакатимизда 1380 га яқин оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди у. — Уларнинг 720 га яқинини газеталар, 260 га яқинини веб-сайтлар ташкил этади. Аҳамиятлиси, оммавий ахборот воситаларининг 40 фоизи муайян соҳаларга ихтисослашган нашрлардир. Шу боис олий журналистика курсларини тамомлаётган мутахассисларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Таърибадан маълумки, айни пайтда нашриётларда фаолият юритувчи журналист-мутахассисларга эҳтиёж катта. Шунинг учун мутасаддилар эътиборини айнан шу йўналишда кадрлар тайёрлашни янада кучайтириш масаласига қаратмоқчиман.

Шу ўринда яна бир гап. Олий журналистика курсларида тахсил олаётган талабаларга амалиёт соатларини қўйатириш, уларни айнан оммавий ахборот воситаларида ўтказишни таъминлаш, магистрик диссертация

сияси ҳимоясини ҳам бевосита тахририятларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

— Талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, кўпроқ амалий кўникмаларини оширишга ҳаракат қилаёмиз, — дейди Олий журналистика курслари раҳбари Беруний Алимов. — Шу боис бизда таълим олаётган талабаларнинг кўпчилиги бир вақтнинг ўзида турли оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораёпти. Ўқув жараёнида газета тахририятлари, телерадиоканаллар, веб-сайтлар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

— Мен бакалавр босқичида санъатшунослик йўналишини тамомлаган эдим, — дейди Олий журналистика курслари 2-босқич тинловчиси Камола Пўлатова. — Журналистикага бўлган қизиқишим сабабли соҳани чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўқимшни давом эттираяпман. Келажакда санъатшунос-журналист сифатида фаолият кўрсатмоқчиман.

Илмий-амалий семинар давомида мавзу юзасидан маърузалар тингланди. Уларда парламент журналистикасининг бугунги аҳоли, журналистларни аккредитациядан маърузалар тингланди. Уларда парламент журналистикасининг бугунги аҳоли, журналистларни аккредитациядан

Маълумки, олий-амалий семинарда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази директори Гулнора Бобонова ва бошқалар сўзга чиқиб, қўрилган масалалар бўйича фикр билдиришди.

Тадбир доирасида Матбуот ва ахборот агентлигига қарашли нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган янги китоблар кўргазмаси ҳам ўтказилди.

Нурли ОРПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Наманганда қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионати бошланди

Спорт



Унинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ва яратилган кенг имкониятлар спортчиларимизнинг халқаро майдондаги ютуқларида ўз ифодасини топаётгани таъкидланди.

3-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабида бошланган мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 450 нафарга яқин спортчи турли ваън ва ёш тоифасида куч синашади.

Чемпионатнинг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов сўзга чиқди.

А.САТТОВ,
ЎЗА мухбири.

Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
ҚУЙИДАГИ ИНШОТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Т/р	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм	Бошланғич нархи ҚҚСсиз сўм	Бажариш муддати
Лот-38/1	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Янгиер ҚФЙ, Янгиер МФЙда қурилаётган ўй-жойлар ҳудудини ободонлаштириш (1-2 массив).	230 748 242	192 290 202	2014 йил 1 июль
Лот-38/2	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Короскон ҚФЙ, Тинчлик МФЙда қурилаётган ўй-жойлар ҳудудини ободонлаштириш.	436 405 774	363 671 478	2014 йил 1 июль

Буюртмачи: Наманган вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Манзил: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-ўй.

Телефонлар: (8369) 233-53-78, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш Республика йўл жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат! 500 млн сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларини бажариш бўйича пудрат ташкилотларни танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиздан кам бўлган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни бериш банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган

меҳнат ресурсларига, мутахассисларга, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер тақлифлари қатнашчиларнинг тендер тақлифлари баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Наманган вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Наманган шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 22-ўй.
Тел./факс: (8-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпلامининг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги мuddати — оферталар очилиш кuni ва соати.

Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-ўй.**

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Самарқанд вилоятида ҳам «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шiori остида «Саломатлик кунлари» ўтказилди.

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда эмас

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи кекса ва ёлғиз пенсионерлар, имконияти чекланганлар ҳамда сурункали касалликка чалинган беморлар малакали мутахассислар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур тавсиялар берилди.

Хусусан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази поликлиникаси, вилоят кардиология диспансери, вилоят кўз касалликлари шифохонаси ҳамда болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари, пойтахтимиздаги етакчи тиббиёт муассасалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ходимлари аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди.

— Бир неча йилдан буён умуртқа поғонаси касаллигидан азоб чекаман, — дейди каттақўрғонлик Зокир Умурсоқов. — Бугунги тиббий кўрикда Тошкентдан келган мутахассислар кўригидан ўтиб, зарур тавсиялар олдим. Ўз вақтида муолажаларни давом эттирсам, бункул соғайиб кетишим мумкинлигини эшитиб, бошим осмонга етди.

Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

ОБ-ХАВО 30-01 — 11-12. 2013

Юртимиз буйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

0 / +5 +10 / +15

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+3 / +8 +15 / +20

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+5 / +10 +13 / +18

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+4 / +9 +17 / +22

Анжидон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

0 / +5 +12 / +17

Тошкент шаҳри

+8 / +10 +18 / +20

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ

2013 йилнинг 21 ноябрь кuni бўлиб ўтган очик танлов савдоси натижасини маълум қилади:

Тошкент вилояти, Қиёрай тумани, Май ҚФЙ «Бирлик» маҳалласида жойлашган жами 0,30 га ер майдонидан 1200 кв.м. ер майдонидан «Гузар» қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи, ҳуқуқнинг минимал қиймати 586 760 сўм, сотилиш қиймати 650 000 сўм.

Лицензия RR-0008.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Таълим ва спорт кенгаши аъзоси Санжар Турсуновга қизи Дурдона ТУРСУНОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.